

РЎЗАДОРГА ЖУНУБЛИК ХАЛАЛ БЕРМАЙДИ

05:00 / 11.01.2017 4644

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоху алайҳи васалламни Рамазонда эҳтилом ҳолида фажр топар эди. Шунда, ғусл қилар ва рўза тутар эдилар».

Шарҳ: Яъни Пайғамбар алайҳиссалом эҳтилом бўлиб, ғусл қилмасларидан олдин тонг отиб қолар эди. Тонг отгандан кейин ғусл қилиб олар ва рўзани тутаверар эдилар.

Ушбу ҳадисдан Пайғамбар алайҳиссалом ҳам эҳтилом бўлишларини ва жунублик ҳолати рўза тутишга халал бермаслигини билиб оламиз.

Шунингдек, жунуб одам ғусл қилса, рўзасига футур етмаслигини кўрамиз.

Умму Салама розияллоху анҳодан ривоят: «Набий соллаллоху алайҳи васаллам жинсий яқинликдан, эҳтиломдан эмас, жунуб бўлган ҳолларида тонг отдирар эдилар. Сўнгра оғизларини ҳам очмас, қазо ҳам тутмас эдилар». Ушбу икки ривоятни бешовлари ривоят қилган.

Шарҳ: Бу ривоятда ҳам олдинги ривоятдаги маъно такрорланмоқда. Шу билан бирга кўпроқ баён бўлмоқда. Жунублик эҳтиломдан эмас, жинсий яқинликдан экани таъкидланмоқда. Шунингдек, оғиз очилиб кетмаслиги, рўзани қазо қилиб тутмаслик баёни билан ҳам таъкидланмоқда. Албатта, бу ҳолатларда жунублик кечаси, рўза йўқ пайтида етган бўлади.

Аммо Рамазон кунлари, рўзадорлик пайтида эҳтилом бўлиб, уйқусида булғаниб қолса, рўзасига зарар етмайди.

Лекин жинсий яқинлик туфайли бўлса, рўза бузилиши ва каффорот вожиб бўлиши ҳақида олдин айтиб ўтганмиз.

Уламоларимиз назар туфайли, яъни бошқа жинсдаги шахсга шахват назари билан қараш туфайли ва сунъий равишда шахват қўзғатиш орқали жунуб бўлиб қолса, рўзаси очилади, деганлар.